



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Оқил инсон
ўзига баҳо
бермайди, ўз
камчилиги ва
имкониятини
таҳлил қилади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 5-yanvar, seshanba, 1 (23.437)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори **1,1 баробарга оширилсин.**

2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – **ойига 747 300 сўм**; базавий ҳисоблаш миқдори – **245 000 сўм**;

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. **2021 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 3-илоvasида кўрсатилган **2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини даромадлари прогнозининг** бажарилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб **ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади:**

а) бюджет ташкилотлари бўйича: бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 99,2 фоиз; Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича: Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгашига – 0,4 фоиз; б) бошқа тўловчилар бўйича: бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 98,4 фоиз; Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгашига – 0,8 фоиз.

5. Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган **йирик солиқ тўловчилар рўйхати** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидаги солиқ турлари бўйича **даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми** тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қўйилган: жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 4-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қиймат солиғи бундан мустасно); фойда солиғи (мазкур қарорнинг 4-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи

муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно).

Бунда, солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорнинг 4-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) инобатга олинади.

Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган ўзгаришлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2020 йил 4-чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2021 йил январь ойида амалга оширилади ва 2020 йил учун ҳисоботларда акс эттирилади.

7. 2021 йил учун олтидан ясалган **заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим** миқдори 1 граммга 1 000 (бир минг) сўм миқдорига сақлаб қолинсин.

8. Белгилансинки, 2021 йилда Давлат солиқ кўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муд-

датларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирилганлик учун жарима солинмайди.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларнинг ҳар йиллик, микрофирма ва кичик корхоналар учун 3 йиллик **мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинсин.**

10. 2021 йил 1 январдан бошлаб: “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖга **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси** олтин, палладий, кумуш ва мис бўйича 15 фоиз миқдорига;

рентабеллик даражасидан келиб чиқиб “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ учун **фойда солиғи ставкалари** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари **айланма касса маблағларининг йўл қўйилган энг кам миқдорлари** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2021 йилда вилоятимизда 36 та мактабда (2 та янги қурилиш, 19 таси реконструкция ва 18 таси мукамал таъмирланиши) қурилиши реконструкциялашлари режалаштирилган. Ушбу бунёдкорлик ишларига 174 миллиард сўмдан ортик маблағ сарфланади.

2-саҳифа >>>

Ассалому алайкум!

**Азиз муштарий!
Бу Сизлар билан газетамиз орқали 23437-, 2021 йил ҳисобидан эса илк учрашувимиз!**

Авалло, “Зарафшон”ни танлаб, обуна бўлганингиз, йилнинг муҳим воқеа-ҳодисалари, дунёда ва юртимизда, хусусан, вилоятимиздаги янгилик ва ўзгаришларни биз билан бирга кузатиб боришга аҳд қилганингиз учун раҳмат!

Ўтган йил бутун дунёни таҳликага солган ва айни пайтда бироз “жиловланган” бўлса-да ҳали ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси инсониятнинг қаерда хато қилгани-ю нималарга эътиборли бўлиши кераклигини яққол намоён этди.

Кичик бир вирусни енгиш, унга қарши туриш учун жуда катта маблағ, дахшатли қурол-аслаҳалар, чексиз мол-дунё шарт эмаслигини кўрсатди. Қудратли давлатлар ҳам баъзи пайтларда митти хавф олдида ҳеч нарса қила олмай қолиши исботланди.

Ва аксинча, соғлом турмуш тарзи, одамларнинг бир-бирига эътибори, меҳри, садоқати, оилавий қадриятларнинг устуңлиги бундай пайтда вирусга қарши энг яхши “восита” экани аён бўлди. Бугун ўзини, ўзлигини англаган инсонлар бунга амал қилмоқда, ҳаёт йўлида шунга мос тарзда давом этмоқда.

Пандемия шароити, карантин қоидалари кучайтирилган бўлишига қарамай, 2020 йилда газеталаримиз нашри тўхтаб қолмади, обуначиларимиз олдидаги мажбуриятимизни бажаришга ҳаракат қилдик. Белгиланганидек, йил давомида “Зарафшон”нинг 156 та сони нашр этилди.



Тўғри, газетани ўз вақтида етказишда айрим муаммолар юзага келди. Бу ҳам шароит тақозоси билан боғлиқ бўлди. Айрим ҳолларда эса матбуот тарқатувчи ташкилотлар обуначилар ва тахририят олдидаги мажбуриятини етарли даражада бажармади. Бундай вазиятда улар билан шартномани бекор қилишгача бўлган чора кўрганимиздан хабардорсиз. Бу йил ҳам обуна уюштирган ташкилотлар билан ана шу мезон асосида фаолият кўрсатамиз – обуначи, етказиб берувчи ва тахририят ўртасида тузилган шартнома асосида ишлаймиз.

Йил давомида газетамиз даврийлиги ўзгармади – ҳафтада уч марта нашр этилди. Фақатгина карантин қоидалари кучайтирилган пайтда иккитадан чоп этдик. Кейинчалик қўшма сон ва қўшимча сонлар чикарилиши ҳисобига сиз ҳақ тўлаган 156 та газета нашр этилди.

Тахририятимиз жамоаси бугун сизга хабар ва янгиликларни етказиш, танқидий-таҳлилий мақолалар ёзишда фақат газета билан чекланмаётганини яхши биласиз. Zarnews.uz сайти ва шу номдаги телеграм каналимиз, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимиз орқали ҳам вилоятимиз ва юртимиз ҳаётини акс эттиришга интиляймиз. Ҳаётимизда инновацион технологияларнинг ўрни ошиб бормоқда. Буни ҳам тан олмасликка ҳаққимиз йўқ.

2021 йилда ҳам газетамиз ва интернет сайт, саҳифаларимиз орқали сизга қайноқ хабар ва янгиликларни етказишни, жамият ҳаётида учраётган



муаммо ва нуқсонларни ёритиб, бунга мутасаддилар эътиборини қаратишни, ибратли ташаббусларни тарғиб этишни мақсад қилганмиз. Бунда сизнинг фикрингиз, таклиф ва ташаббусларингиз ҳам биз учун муҳим. Тахририятимизга ёки электрон манзилларимизга йўлланган ҳар бир хат, хабар ва муносабатингиздан ижодий фаолиятимизда албатта, фойдаланамиз.

Кези келганда биз билан ижодий ҳамкорлик қилиб келаётган фаол жамоатчи муҳбирларимизга миннатдорлик билдирамиз. Жорий йилда ҳам бу ҳамкорлигимиз давом этишига ишонамиз.

Сир эмас, кейинги йилларда газета нашр этиш харажатлари ошиб бормоқда. Бу кўпроқ қозғоғ нархининг кўтарилиши, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли 2021 йил учун газетамиз обуна нархини белгилашда муштарийларга энгиллик яратиш мақсадида “Зарафшон”нинг ҳафталик даврийлигини 3 тадан 2 тага (156 та эмас, 104 та) туширган ҳолда нарх белгиланган эдик. Муассисларимизнинг ёрдами ва газетамизга хайрихоҳ бўлган сиз қадри муштарийларнинг эътибори ва ишончингиз туфайли бугун йил бошида газетамиз 20 минг нуسخадан ортик чоп этилмоқда. Шу сабабли ва обуна якунлари бўйича ҳисоб-китобларимиздан сўнг, ҳозирча даврийликни ўзгартирмаган ҳолда ҳафтада уч марта газета нашр этишга қарор қилдик.

Бу йил мамлакатимиз ҳаётида муҳим, тарихий йил. Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонланади. Юртимизда мазкур байрамга тайёргарлик ишлари бошланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг сўнги босқичи амалга оширилди. Йил номланиши ҳам эътиборли – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили”. Мамлакатимизнинг эртаси, халқимиз фаровонлигига боғлиқ йил.

Йил якунида эса муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди.

Вилоятимизда ҳам ушбу йилда муҳим дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, бир қатор халқаро анжуман ва фестиваллар ўтказиш, улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари режалаштирилган.

Буларнинг барчаси ҳақида газетамизда таҳлилий материаллар беришни ўз олдимиизга мақсад қилганмиз. Юртимизнинг, вилоятимизнинг қайноқ ҳаёти, халқимизнинг турмуш тарзи, мақсад-ўйлари, орзу-ниятларини саҳифаларимизда мунтазам бериб бориш кўзда тутилган.

Йил давомида “Зарафшон” билан бирга бўлинг!

ТАХРИРИЯТ.

«Мunosabat»

Prezidentimiz Murojaatnomasi

xalq ta'limi sohasining yanada rivojlantirilishi, yoshlarimiz orzu-umidlari ro'yobga chiqarilishini anglatdi

Prezidentimizning Oliy Majlisga navbatdagi Murojaatnomasini tinglab, 2021-yilda mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosatini yangi bosqichga ko'tarishda muhim qadamlar tashlanishiga amin bo'ldik.

Yurtboshimiz kelgusida bu boradagi islohotlarni amalga oshirishda avvalo, barcha sohalar taraqqiyotining asosi bo'lgan ta'lim-tarbiya sohasini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilishini ta'kidladi.



“Yangi O'zbekiston – maktab ostonasidan, ta'lim-tarbiya tizimidan boshlanadi” degan shior ostida amalga oshiriladigan islohotlar asosini tashkil etishini bildirdi.

4-sahifa >>>

2021 йил 1 январдан...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби бекор қилинди. Жумладан:

- фонограммаларни тайёрлаш;
- юкларни автомобиль транспортида шаҳарда ва шаҳар атрофида, шунингдек, шаҳарлараро ташиш;
- баҳолаш ва аудиторлик фаолиятлари;
- тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш;
- тиббиёт буюмларини тайёрлаш;
- тиббиёт буюмларини улгуржи реализация қилиш;
- доривор ўсимлик хомашёсини қадоқлаш ва улгуржи сотиш каби фаолият турлари учун лицензия олиш тартиби.

- Бундан ташқари, қуйидаги фаолият турлари учун лицензия олиш ўрнига ваколатли органни хабардор қилиш тартибига ўтилмоқда:
- қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ҳамда бошқа буюмларни ишлаб чиқариш фаолияти;
- мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва ўқувни қайта тайёрлаш ва чет тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини

ташқил этиш каби нодавлат таълим фаолиятлари;

- ветеринария даволаш-профилактика ишлари;
- нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизел ёнилғиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек, техник мойлар ва мойлаш материалларини) реализация қилиш;
- геодезия ва картография фаолияти;
- ваколатли банклар томонидан нақд хорижий ва (ёки) миллий валютани олиб кириш.

Рухсат бериш хусусиятига эга қуйидаги ҳужжатларни олиш ўрнига ваколатли органни хабардор қилиш тартибига ўтилмоқда:

- банк филиалини рўйхатга олиш учун рухсатнома;
- оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича рухсатнома;
- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ағона реестрига киритилгани тўғрисида гувоҳнома.

Шунингдек, олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларга директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан устама тўланади;

- мактабларнинг педагог ходимлари халқаро тадқиқотларга ўқувчиларни тайёрлаб бориш ишларига муносиб ҳисса қўшган тақдирда базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 100 фоиз устама қўшилади;

- Олий таълим муассасалари ҳузуридаги техникумларда ўқув машғулотларини олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ОТМ талабаларига дарс ўтганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларида амалга оширилади;

- таълим жараёнини ташқил этишда ҳафталик ўқув кунлари ОТМ томонидан мустақил белгиланади.

Кун хабарлари

2021 йилнинг дастлабки кунда вилоятимизда 142 нафар чакалоқ (68 нафар қиз, 74 нафар ўғил бола) дунёга келди.

Иштихон туманидаги Кўктепа, Кўтарма, Барлос ва Орлот маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоаси янги қурилган биноларда фаолиятини бошлади.

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида маҳаллаларнинг ўсиш нуқталари (драйверлар)ни аниқлаш ва ривожлантириш, аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, ўзини ўзи банд қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича семинар ўтказилди.

Самарқанд туманидаги 12-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. “Паррандачилик” маҳалласида жойлашган мазкур боғча 1,4 миллиард сўм маблағ эвазига мукамал таъмирдан чиқарилиб, 120 нафар тарбияланувчини ўз бағрига олди.

Қўшработ тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси ва “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада).

12. Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ **фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси: мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини таъминласин ва мониторингини юритсин;

ҳисобот чораги якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини таъминласин ва мониторингини юритсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини баҳолаш вазирлик ва идораларнинг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги 2022 йил учун Давлат бюджетни лойиҳасини шакллантиришда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгиланган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилсин ҳамда 2022 йил учун Бюджетномада акс эттирсин.

Ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штар бирликлари доирасида ички аудит хизматларини жорий қилсин.

13. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги, "Ўздаверлойиҳа" илмий-лойиҳа институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 апрелгача қишлоқ ҳўжалиги ерлари бор юридик шахслар, жумладан, деҳқон ҳўжалиқларига ерларни солиққа тортиш учун норматив қийматини етказсин.

15. Молия вазирлиги:

а) 2021 йил 1 апрелга қадар:

Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш тартибини;

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар асосида янгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қўндақларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2021 йил 1 июлга қадар Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари бўйича харажатлар сметаларини, шунингдек, ушбу жамғармалар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги

ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

16. 2021 йил 1 январдан Молия вазирлиги ҳузуридаги **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилсин**, жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳамда жамғарманинг жорий йил охирига қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши таъминлансин.

Белгилансинки, 2021 йилда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетета коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари доирасида молиялаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сон Фармонида 1-иловада назарда тутилган товарларни (ок ва бошқа шакардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда **божхона божининг ноль ставкаси 2021 йил 31 декабрга қадар қўлланилсин**.

22. Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентини ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида белгиланадиган дастурларда иштироки натижаида 2021 йил 1 январдан бошлаб олинган бонуслар, мукофотлар кўринишидаги пул тўловларининг жисмоний шахсларнинг даромад

солигидан озод қилишни назарда тутувчи қўнун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Давлат солиқ қўмитасига 2021 йилда ажратилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодийetni қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6098-сон Фармонида қўзда тутилган онлайн назорат-касса машиналарининг чеклари асосида совринли ўйинларни 2021 йилда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга рухсат берилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2021 йил 1 январдан **9-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 декабрь

Халқ депутатлари

Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ НОМЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги қўнунининг 4-, 6-, ва 9-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги қошидаги Республика топонимика комиссиясининг 2020 йил 20 майдаги ва 23 июндаги экспертиза хулосалари ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиш баённомасини инobatга олиб, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг VI чақириқ XX сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Самарқанд вилоятининг Нуробод, Нарпай, Пайариқ ва Паст Дарғом туманларидаги номлари ўзгартирилаётган аҳоли пунктлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев) вилоят "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник" газеталари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида "Ф.Тошев", "Овози Самарқанд" газетаси (Б.Раҳмонов) мазкур қарорни ўрнатилган тартибда эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, коммунал ҳўжалик ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ў.Саидмуродов) ва вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қўнун ҳўжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Ш.Темиров) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси

Э. ТУРДИМОВ

2020 йил 29 декабрь
№ 137/20

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 137/20-сонли қарорига **И Л О В А**

НУРОБОД, НАРПАЙ, ПАЙАРИҚ ВА ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНЛАРИДА ЎЗГАРТИРИЛАЁТГАН АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ НОМЛАРИ

№	Географик объектнинг жойлашган ўрни	Аҳоли пунктининг амалдаги номи	Ўзгартирилаётган номи
Нуробод тумани			
1	Кечкелдик маҳалласи	Кечкелдик	Боғишамол
2	Нурбулоқ маҳалласи	Кўйбоқар	Гулобод
3	Булоқбоши маҳалласи	Сепки	Олмазор
4	Омондара маҳалласи	Бешбармоқ	Беширмоқ
5	Кўрғонча маҳалласи	Жинли	Мустақиллик
6	Кўрғонча маҳалласи	Кўшасигир	Истиқлол
Нарпай тумани			
1	Болғали маҳалласи	Бешпахса	Бинокор
2	Нарпай маҳалласи	Галақасоб	Шодиёна
3	Ипак йўли маҳалласи	Калтапўстин	Навқирон
4	Дўстлик маҳалласи	Қозоқолди	Бунёдкор
5	Тепа маҳалласи	Жинлар	Чаманзор
6	Ўзбеккенти маҳалласи	Оҳакчи	Гулзор
Пайариқ тумани			
1	Накурт маҳалласи	Бешкал	Бешбулоқ
2	Янгиобод маҳалласи	Кампирўлди	Машъал
3	Кўлтўсин маҳалласи	Тентақовул	Митанобод
4	Наврўз маҳалласи	Қарри	Нурбулоқ
5	Наврўз маҳалласи	Кўтирбулоқ	Саховат
6	Маданият маҳалласи	Вали	Яшнобод
7	Кўктепа маҳалласи	Батрак	Каттабоғ
8	Ҳўжа Исмоил маҳалласи	Кўтирқент	Янгиҳаёт
Паст Дарғом тумани			
1	Тўқбой маҳалласи	Ярим	Кўҳнабулоқ
2	Қатортерак маҳалласи	Ғишт завод	Буюк ипак йўли

"Права"га имтиҳонни тадбиркор ҳам олади

Бу ҳақда Президентнинг 2020 йил 7 декабрдаги "Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига белгиланган.



Қарор билан "Давлат функциялари – бизнес учун имконият" лойиҳасини амалга ошириш бошланади. Яъни, қарор билан қуйдаги йўналишларда давлат бошқаруви соҳасига хусусий секторни жалб қилиш тасдиқланди.

Хусусан, 2021 йилдан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида – тадбиркорлик субъектларига йўл ҳаракати қоғдалари белгиланганини қайд этувчи фото ва видео дастурий-техник воситалари ўрнатилишини ташкил этиш ҳўқуқи берилди. Энди транспорт воситаларининг хавфсиз харақатланишини таъминлаш соҳасида – тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўларида автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган огирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар ўрнатилишини ташкил этиш мумкин.

Бундан ташқари, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш соҳасида – ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича лицензияга эга тадбиркорларга барча тоифадаги автоматотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳўқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳўқуқи берилди.

Қарор билан 2021 йил 1 июндан давлат органлари ва ташкилотларининг ички маъмурий-ҳўжалик фаолиятини таъминлаш ва сақлаш бўйича функцияларини бажариш хусусий секторга ўтказилмоқда.

ЗАРУРАТ ВА КУТИЛАДИГАН НАТИЖА

Пандемия давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мақбуллаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича янги ёндошувларни ишлаб чиқиш, айрим соҳаларда иштирокини танқидий кўриш масаласини долзарб масала сифатида қўймоқда. Бунда давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш бошқарув самарадорлигини оширишда истиқболли йўналиш сифатида эътироф этилмоқда.

Бирок бу борада мамлакатимизда ечимини қутаётган бир қатор муаммолар мавжуд эди. Иқтисодиёт тармоқларида давлат функцияларини амалга оширишда хусусий секторнинг иштироки пастлиги, давлат функцияларини хусусий секторга ўтказишнинг аниқ тартиби ҳамда зарур талаб ва шартлари белгиланмагани, давлат органларини сақлаш харажатлари юқорилиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мазкур сабаб туфайли Адлия вазирлиги зиммасига давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таҳлил ва мониторинг қилиш вазифаси юклатилган. Шу асосда кейинги икки йилда вазирлик томонидан 77 та идора фаолияти ўрганилиб, таҳлил қилинган ва 17 та лойиҳа, 187 та таклиф ишлаб чиқилган.

Мазкур таклифлар асосида қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори тадбиркорликнинг янги йўналишлари яратиш орқали хусусий

сектор томонидан янги иш ўринлари барпо этиш ва бюджетга солиқлардан тушумни оширишга хизмат қилади.

РАДАРЛАР ҚАЕРДА ЎРНАТИЛАДИ?

2021 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўларида йўл ҳаракати қоғдалари бузилганлигини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситалари ўрнатилишини ташкил этиш ҳўқуқи берилди.

Самарқанд вилоятида 103 интеллектуал видеокамералар, 27 стационар радарлар ўрнатилиши белгиланган. Интеллектуал видеокамералар энг кўп Самарқанд шаҳрида – 63 та, энг кам эса Нуробод туманида – 1 та, қолган ҳудудларда 2 тадан 6 тагача ўрнатилди.

Оқдарё туманида 6 та, Нарпай туманида 5 та, қолган ҳудудларда 1-2 тадан стационар радар ўрнатилди. Қўшработ, Нуробод ва Пайариқ туманларида тадбиркорлар томонидан стационар радар ўрнатилмади.

Қайд этиш лозимки, ўрнатиладиган жойларни бизнес-субъектларига бириктириш электрон аукцион савдолари орқали чекланмаган муддатга ва бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳўқуқи билан амалга оширилади. Лотнинг бошланғич нархи тартиби Ички ишлар ва Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартиб асосида аниқланади.

Воситалар ва шохобчалар ИИВ ва Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан белгиланадиган мезонлар ва техник топшириқларга, уларни ўрнатиш талаблар ва бошқа зарур шартларга мувофиқ бўлиши керак.

ИИВ ўрнатилган воситаларни ва шохобчаларни ДИҲХХнинг "Маъмурий амалиёт" комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилади.

Уларнинг техник эксплуатацияси ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, жорий электр энергияси харажатларини қоплаш хусусий сектор зиммасига юклатилади.

Хусусий сектор воситалари ва шохобчалари орқали қайд этилган

«Қарор ва ижро»

йўл ҳаракати қоғдалари бузилганлиги учун жарималарнинг бир қисmini олади. Унинг миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ИМТИҲОН ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

2021 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига барча тоифадаги автоматотранспорт воситаларини (троллейбус ва трамвайдан ташқари) бошқариш ҳўқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказишга ҳақли бўлади.

Бунинг учун нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти учун лицензияга эга бўлиш керак.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларида, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига учун замонавий автотроллари ташкил этиш ва уларни автоматлаштирилган махсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш бўйича қўшимча мажбуриятлар назарда тутилмоқда.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш ва баҳолаш инсон омилсиз, тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати вакилининг бевосита ёки онлайн назорати остида амалга оширилади.

Имтиҳонларни ўтказиш бўйича хизматлар учун тўловлар миқдори тадбиркорлик субъекти томонидан мустакил равишда белгиланади ҳамда келиб тушадиган маблағ тўлиқ унинг тасарруфида қолади.

Назарий ва амалий имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун асос бўладиган махсус ҳимояланган сертификатлар бериллади.

Махсус ҳимояланган сертификатларнинг барча зарур реқвизитлари тадбиркорлик субъекти томонидан давлат хизматлари марказлари ва ички ишлар органларига автоматлаштирилган ҳолда тақдим этилади.

Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.

Хусусий сектор кадастр йиғма жилдини тайёрлайди

Президентимизнинг 2020 йил 7 декабрдаги қарори билан хусусий секторлар фаолиятини кенгайтириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш ва бизнесни ривожлантириш имкониятлари ҳам кенгайтирилмоқда.

Қарорга асосан эндиликда кадастр йиғма жилдини тайёрлаш ҳўқуқи ҳам хусусий секторга берилди. Эътиборлиси, бирламчи кадастр йиғма жилдини тайёрлаш онлайн амалга оширилади ва кадастр агентлиги томонидан мониторинг қилинади. Бунда кадастр муҳандиси юридик шахслар билан шартнома тузиб ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида ишлаши мумкин. Кўрсатилган хизматлар учун нархлар мустакил белгиланади.

Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги "Қўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан 2020 йил 1 январдан бошлаб таъжриба-синов тарихида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида қўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси институти жорий этилган

эди. Давлат раҳбарининг 2020 йил 7 декабрдаги қарори билан кадастр ишларини бажаришда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган мазкур таъриба-синов муддати 2022 йил 31 декабр гача узайтирилди. Бу жараёнда олдин фақат қўчмас мулк ва у ҳақда тузилган битимлар асосида қайта ичкиламчи кадастр ҳўжатини тайёрлаш ваколати берилган эди.

Президентимизнинг мазкур қарори асосида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб кадастр агентлиги томонидан бериладиган малака шаҳодатномасига эга қўчмас мулк бўйича кадастр муҳандисларига, шу жумладан, қўчмас мулк объектларига бирламчи кадастр йиғма жилдини тайёрлаш ҳўқуқи ҳам берилди. Бу борада, қўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдини, шу жумладан, бирламчи кадастр йиғма

жилдини тайёрлаш жараёнлари махсус автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади ҳамда кадастр агентлиги томонидан мониторинг олиб борилади.

Ҳўш, қарор билан нималар ўзгаради, соҳага қандай янгиликлар жорий этилади?

Бугунгача бўлган тартибда кадастр муҳандисларига ҳўжатларнинг фақат ичкиламчи қисmini тайёрлашга ваколат берилган эди. Мазкур қарор билан бирламчи, яъни янги қурилган уйлارнинг кадастр йиғма жилдини тайёрлашга ҳам рухсат берилди.

Шунингдек, қўчмас мулк бўйича кадастр муҳандиси ўз фаолиятини юридик шахслар (риэлторлик ташкилотлари) билан меҳнат шартномасини тузиш орқали ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга ошириши мумкин бўлади.

Энг муҳими, қўчмас мулк объектларига кадастр йиғма жилдини, шу жумладан, бирламчи кадастр йиғма жилдини тайёрлаш бўйича хизматлар учун нархлар тадбиркорлик субъекти томонидан мустакил равишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган мавжуд ставкалардан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Келиб тушадиган маблағ тўлиқ ҳажмда унинг тасарруфида қолади.

Азамат НИШОНОВ, Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

Кейинги 3-4 йилда суд тизими-да кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Аксарият ҳолларда бу янгиликлар турлича таълим амаллари ва ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, суд қарорларини қайта кўришнинг процессуал тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ҳамда Жиноят, Иқтисодий ва Ҳуқуқолиқ процессуал кодекслари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулланди.

Ўзгаришлар сарсонгарчиликларнинг олдини олади

2020 йил 19 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, суд қарорларини қайта кўришнинг процессуал тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги ҳамда Жиноят, Иқтисодий ва Ҳуқуқолиқ процессуал кодекслари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар маъқулланди. Савол туғилиши табиий - нима ўзгарди, янги тартибнинг фуқароларга яратган қўлайлиги ва енгиллиги нимада? Бугунги кунда апелляция ва кассация инстанцияси судлари бир хил вазифани бажариб, биринчи инстанция судларининг қарорларини қайта кўриб

чиқади. Улар бири қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан берилган шикоятларни, иккинчиси эса қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши билан фарқланади.

Киритилаётган ўзгаришга кўра, апелляция инстанцияси судида қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан берилган шикоятларни, апел-

ляция инстанциясида кўриб чиқилган ишларни эса кассацияда кўриб чиқиш тартиби белгиланмоқда.

Яъни, Сенат маъқуллаган қонунлар билан бир-бирини такрорловчи инстанциялар бекор қилинмоқда. Жумладан, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд - биринчи инстанция (туман, шаҳар судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича вилоят судлари, апелляция инстанцияси (вилоят даражасида судлар) ва кассация инстанцияси (Олий суд) тизими яратилади. Бу билан кассация тартиби вазифа ва ваколатларини такрорловчи амалдаги назорат тартибида иш юритиш бекор қилинмоқда.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексда биринчи инстанция судининг ҳукми ва ажрими устидан апелляция тартибиде шикоят бериш муддати 10 кундан 20 кунга, фуқаролик, маъмурий

ва иқтисодий ишлар бўйича апелляция шикоятларини бериш муддатлари 20 кундан 1 ойга қадар узайтирилмоқда.

Бундан ташқари, кассация тартибиде шикоят беришнинг 6 ой бўлган муддати 1 йил этиб белгиланмоқда.

Мазкур ўзгаришлар фуқароларнинг ортиқ овозгарчиликларининг олдини олади, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириб, суднинг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда мамлакатимиз нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шу ўринда яна бир гап. Янги ўрнатилган тартиб биринчи инстанция судида кўрилган ишни бир-икки ой ичида апелляция тартибиде, уч-тўрт ой ичида Олий судда кўриш имконини беради. Бу судма-суд сарсон бўлишнинг олдини олади. Ўз навбатида қисқа муддатларда жабранувчи, даъвогар ва ишдаги бошқа тарафларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланади.

Албатта, амалдаги тартибда жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институтини янада такомиллаштириш, жумладан, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принциплари риоя этилишини таъминлашга қаратилган яна бир қатор ўзгаришлар киритилмоқда.

Муҳими, бу янгиликлар халқаро стандартлар нормаларини миллий қонунчиликка мослаштиришга хизмат қилади.

Абдуҳаким ОЛТИБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси.

Чўлшунос олим

Субҳон АББОСОВ илмий-педагогик фаолиятдан лавҳалар

Нуфузли илмий анжуманларда, давра ва гурунларда иқтидорли фан номандалари ҳақида гап борганида изланувчан олим Субҳон Аббосов номи ҳам тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чўлшунос олим ўзининг илмий тадқиқот ишларида Қизилқумнинг ҳозирги ландшафтлари шаклланиши, чўлнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, унинг барқарор ривожланиши, чўлланиш жараёнининг кучайиб бориши, геомажмуаларнинг табақаланиши, геологик районлаштириш ва экологик танг ҳудудларни мўтадиллаштиришнинг географик асосларини илмий асослаб берди.

Субҳон Аббосов 1961 йилда Пайариқ тумани Эмалач қишлоғида таваллуд топди. 1979 йилда Самарқанд давлат университети битириб, Қоракўлчилик илмий тадқиқот институтида катта лаборант лавозимида иш фаолиятини бошлади. Дала экспедицияларида иштирок этиб, чўл географиясини ўрганишга киришди. 1986 йилда С.Аббосов СамДУ география факультетида ишга тақлиф этилди. Дастлаб иқтисодий география кафедрасида катта лаборант, кейинчалик табиий география кафедрасида асси-

стент сифатида фаолиятини давом эттирди. Ишлаш билан бирга илмий тадқиқотлар олиб борди. Ушбу илмий изланишлар маҳсули сифатида 1995 йилда профессор А.Абдулқосимов раҳбарлигида номзодлик, 2007 йилда докторлик диссертацияларини ёқлади. Бу илмий ишларда лавҳамиз бошида таъкидлаганимиздек, Қизилқум чўлининг ландшафтларининг экологик жиҳатлари илмий асослаб берилди.

Субҳон Аббосов изланувчан олим. Унинг долзарб илмий ғоялар илгари сурилган 200 дан ортиқ ишлари республика ва хорижий давлатларнинг нуфузли илмий журналларида эълон қилинган, халқаро илмий-амалий анжуманлар материалларида чоп этилган, монографиялари нашрдан чиққан. Шуниси диққатга сазоворки, С.Аббосов илмий-педагогик ишларни раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиш билан бирга қўшиб олиб бормоқда. Жумладан, 1996 йилдан бошлаб география факультети декани, кейинчалик ҳудудий ва табиий география кафедраси мудири, маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор ўринбосари, Имом Бухорий мажмуаси бошқарув кенгаши раиси, кейинчалик география ва



экология факультети декани лавозимларида ишлади. Айни пайтда университет қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази директори вазифасида фаолият юритмоқда. С.Аббосов қайси лавозимда ишласин география фанини ўқитишнинг янги ғоялари, изчил технологияларини таълимга жорий этишда ибрат кўрсатмоқда. Устоз раҳбарлигида бир нечта фан докторлиги диссертациялари ёқланди.

Олим айни пайтда ўзининг ландшафтшунослик, чўлшунослик мактабиде шогирдлари билан географиянинг долзарб мавзуларида илмий изланишларни давом эттирмоқда. Биз бу шарафли ишда Субҳон Аббосовга сиҳат-саломатлик, муваффақият тилаймиз. 60 ёшингиз кўтлуг бўлсин, устоз!

Алиқул РАВШАНОВ,
Нилуфар СОБИРОВА,
Шаҳноза ВАЛИЕВА.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 2 декабрдаги 190-Қ-сонли қарорига асосан бозор қийматида "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Объектнинг баҳоланган нархи	Белгиланган фаолият тури	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги муддати
1	Болалар соғломлаштириш лагери	Булунғур туман ҳокимлиги	Булунғур тумани Бешқўтон МФЙ	1,45	695,3	617 546 000	-	01.02.2021 й.	30.01.2021 й.
2	Сарой ҚВП биноси	Жомбой туман ҳокимлиги	Жомбой тумани Сарой МФЙ	0,19	166,36	161 120 000	-	01.02.2021 й.	30.01.2021 й.
3	Эски поликлиниканинг рентген биноси	Иштихон туман ҳокимлиги	Иштихон тумани Қ.Қаршиев МФЙ	0,12	595,53	512 837 000	-	01.02.2021 й.	30.01.2021 й.

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ағона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истигади бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари яқунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:
Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим

ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатда аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:
Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланганида кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимида қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этиши тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошлангич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқача узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирутаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда яқунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан

келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-"А" уй, 6-қават, 604-хона. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси. Давлат активларини хусусий мулкка бериш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:
66-233-73-54, 91-537-32-12.
Факс: 66-233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv
Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

"BEST REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти Самарқанд минтақавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖ бошқарувининг 23.12.2020 йилдаги RB-10/581-сонли буюртномасига асосан, «SAMARQAND DORI-DARMON» АЖга қарашли қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

1) Иштихон шаҳарчаси Иштихон маҳалласи, Иштихон кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1419,8 кв.м., қурилиш тағидидаги майдони 512,44 кв.м., фойдали майдони 1137,79 кв.м.ни ташкил этган 14-сонли марказий дорихона биноси (ер майдонсиз). Бошлангич баҳоси - 3 500 000 000 сўм;

2) Ургант шаҳарчаси Камардон маҳалласи, Навоий шоҳкўчаси, 1-"А" уйда жойлашган, умумий майдони 1963,56 кв.м., қурилиш тағидидаги майдони 507,43 кв.м., фойдали майдони 1151,3 кв.м.ни ташкил этган икки қаватли, ертўлали, 7-сонли марказий дорихона биноси (ер майдонсиз). Бошлангич баҳоси - 3 005 100 000 сўм;

3) Паст Дарғом тумани Кимёгар маҳалласи, Ертешар кўчаси, 1-уйда жойлашган омборхона биноларининг умумий майдони 0,72 га., жами қурилиш тағидидаги майдони 1217,24 кв.м., фойдали майдони 1153,65

кв.м.ни ташкил этган қисми (0009 литердаги омборхона, 0010 литердаги гараж, 0011 литердаги ҳожатхона, ер майдонсиз). Бошлангич баҳоси - 1 968 504 697 сўм.

Савдо 2021 йил 20 январь куни соат 11:00 да савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртмалар хабарнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2021 йил 19 январь куни соат 18:00 да.

Юқоридаги кўрсатилган мулклар 2021 йилнинг 20 январь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулклар юзасидан такрорий аукцион савдолар 2021 йилнинг 4 ва 19 февраль, 13 ва 30 март кунлари соат 11:00 да Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уйда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талбгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо санасидан бир кун олдин соат 18:00 да (13:00 дан 14:00 гача тушлик)

тўхтатилади. Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Ушбу мулклар ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан сотувчи вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. **Мулк сотувчисининг манзили: Паст Дарғом тумани Дўстлик массиви, Ертешар кўчаси, 1-уй.**

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, савдода қўниқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат

пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Аукцион савдоси натижалари савдо ўтказилган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади. Савдо натижасига кўра савдо ғолибига 10 кун муддатда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда шартнома шартларига кўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Best Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капиталбанк" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20208000500433601001 МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-уй.
Телефонлар: 93-331-70-80, 90-212-60-01.
Расмий сайти: www.emulk.uz
электрон почта манзили: best.samarqand@inbox.uz
Хизматлар лицензияланган.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукурллаева нотариал идорасида марҳум Гуриянова Олга Николаевнага (2020 йил 17 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукурллаева нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаева нотариал идорасида марҳум Ибрагимова Очилга (2014 йил 11 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаева нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Карим Раҳимовичга (2019 йил 25 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada).

2020-yilda viloyatimizda 1 ta yangi (1680 o'rinli) maktab qurildi. Bundan tashqari, 51 ta umumta'lim maktabida rekonstruksiya va mukammal ta'mirlash ishlari olib borildi.

2021-yilda viloyatimizda 36 ta maktabda (2 ta yangi qurilish, 19 tasi rekonstruksiya va 18 tasi mukammal ta'mirlanishi) qurilishi rekonstruksiyalari rejalashtirilgan.

Prezidentimiz Murojaatnomasi

xalq ta'limi sohasining yanada rivojlantirilishi, yoshlarimiz orzu-umidlari ro'yobga chiqarilishini anglatadi

Bugungi kunda maktablarimizda 28909 nafar sinf rahbarlari faoliyat olib bormoqda. Albatta, o'quvchi-yoshlarga ta'lim-tarbiya berish, ularni doimiy nazorat qilish hamda ota-onalar bilan hamkorlikda ishlash zamirida sinf rahbarining mashaqqatli mehnati yotadi.

Viloyatda aniq va tabiiy fanlarga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktablari yil sayin ortib bormoqda. Yurtboshimiz Murojaatnomada ta'kidlaganidek, "Agar tarixga nazar tashlaydigan bo'lsak, dunyodagi deyarli barcha kashfiyot va texnologiyalarni yaratishda fizika fani fundamental asos bo'lganini ko'ramiz".

Darhaqiqat, Prezidentimiz ilgari surayotgan g'oya va tashabbuslar asosida Samarqand shahrida Mirzo Ulug'bek nomidagi fizika va matematika fanlariga ixtisoslashgan maktab-internet faoliyati yo'lga qo'yilmoqda. Ushbu maktab-internetda o'quvchilarning mazkur fanlardan chuqur bilim olishi bilan birga, nazariy bilimlarini amaliy jihatdan puxta egallashlari uchun keng imkoniyat yaratiladi.

2020-yilda Kattaqo'rg'on shahri hamda Samarqand, Toyloq, Bulung'ur tumanlarida 4 ta matematika faniga ixtisoslashtirilgan umumta'lim maktablari faoliyati yo'lga qo'yildi. 2021- va 2023-yillarda yana 12 ta shunday maktab tashkil etiladi. Bundan tashqari, 2021-yilda kimyo va biologiya fanlariga ixtisoslashgan 8 ta maktab ish boshlaydi.

Maktablarimizda axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishni yanada kengaytirish va ushbu tizimni rivojlantirish bo'yicha ham oldimizga ulkan maqsadlarni qo'yanmiz. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 6-noyabrda "Axborot texnologiyalari sohasida ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish va ularni IT-industriya bilan integratsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori asosida 2020-yilda Samarqand shahrida bitta: 9-umumta'lim maktabi negizida informatika va axborot texnologiyalarini o'qitishga

ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktabi faoliyati yo'lga qo'yildi. Muassasa 340 million so'm evaziga zamonaviy AKT uskunalarini, o'quv jihozlari bilan ta'minlandi. Yaqin kunlarda ushbu maktabning ochilishi ko'zda tutilgan. 2021-yilda Jomboy, Ishtixon, Narpay, Oqdaryo, Past Darg'om, Samarqand va Toyloq tumanlarida ham informatika va axborot texnologiyalarini o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktablari tashkil qilinib, sohaning eng yetuk mutaxassislari jalb qilinadi. Bu borada 2023-yilga qadar aniq manzilli dasturlar yaratilgan.

Bugungi kunda viloyatdagi 435 ta maktab internet tarmog'iga ulangan. Yangi yilda mazkur yo'nalishdagi ishlar ham davom ettiriladi.

Tuman va shaharlarimizda 1580 nafar jismoniy imkoniyati cheklanganligi tufayli uyida yakkarta ta'lim olayotgan o'quvchilarni bor. Ayni paytga qadar bir qator davlat idoralari bilan hamkorlikda ularni moddiy va ma'naviy qo'llab-quvvatlash, tibbiy xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilash bo'yicha xayriyalar olib borilgan.

2021-yilda uyida yakkarta ta'lim olayotgan o'quvchilarni ta'lim qayta nazoratga olinib, ularning ta'lim olishi, buning uchun yaratilgan sharoitlar o'rganilib, birlashtirilgan pedagog-xodimlarning mas'uliyati yanada oshiriladi. Mazkur yo'nalishdagi ishlarimiz Past Darg'om va Bulung'ur tumanlarida boshlandi.

2021-yilda maktablarni 50776 nafar o'quvchi bitirishi kutilmoqda. Ularning 20 foizi oliy ta'lim muassasalariga qamrab olinishini maqsad qilganmiz. Albatta, ushbu yo'nalishda aniq maqsad va chora-tadbirlar asosida ishlar amalga oshirilmaydi.

Ma'lumki, viloyatning Urgut, Nurobod, Past Darg'om tumanlaridagi umumiy o'rta ta'lim maktablari bir qator mutaxassisliklar bo'yicha fan o'qituvchilarining yetishmasligi bilan bog'liq muammolarimiz bor. Ehtiyoj tufayli boshqa tumanlardan, hatto viloyatlardan kelib o'quvchilarga dars berayotgan o'qituvchilarni ham bor. Prezidentimiz ushbu masalaning yechimiga ham to'xtalib, boshqa tumanidagi olis maktabga borib, dars beradigan o'qituvchilar oyligiga 50 foiz, boshqa viloyatga borib ishlasa - 100 foiz ustama haq to'lanishini ta'kidladi.

Ushbu jihatlardan davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga navbatdagi Murojaatnomasi nafaqat muammolarimizga yechim, balki xalq ta'limi sohasini yanada rivojlantirishning dasturlamal bo'ldi. Oldimizga qo'ygan maqsadlarimiz aniq. Ularni amalga oshirishda har bir xalq ta'limi xodimi, pedagoglarimizdan halol va kasbimizga sadoqat bilan mehnat qilish talab etiladi. Buning uchun eshikcha yondashuv va qarashlardan, an'anaviy usullardan voz kechib, ildam harakat qilamiz.

Zebinis SHODIYEVA, viloyat xalq ta'limi boshqarmasi boshlig'i.



Амир Темуր мақбараси XV аср бошида бунёд этилган ёдгорлик бўлиб, у нафақат Ўрта Осиё, балки дунё миқёсида ўзига хос ўрин эгаллаган шахслар дафн этилган мақбара ҳисобланади.

Мақбара Амир Темуր буйруғига кўра тўнғич фарзанди Жаҳонгир Мирзонинг Суюнч Ога никоҳидан туғилган ўғли, тахт вориси Муҳаммад Султон шарафига бунёд этилган иморатдир.

Қурилиш Амир Темуր буйруғи билан бошланган бўлса-да, унинг ўзига мақбара қурилишини кўриш насиб этмаган. Чунки 1405 йил қишида Хитой юришига отланган Амир Темуր, Ўттор шаҳрида (Сирдарё бўйида) вафот этган.

Амир Темуր вафотидан кейин салтанатда бирин-кетин ворислари Халил Султон, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Абу Саид Мирзо ва унинг фарзандлари ҳукмронлик қилишган. Ушбу даврда Амир Темур мақбараси тўлиқ қуриб битказилиб, мақбара ичига 9 кишининг - Амир Темур, икки фарзанди (Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳруҳ Мирзо), икки набираси (Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбек), устози Мир Саид Барака ва бошқалар жасади дафн этилган.

Шу билан мақбарага дафн этиш тўхтаб қолгани йўқ. Тўғри, мақбара ичига кўрсатилган 9 киши дафн этилганидан кейин беэзақ ишлари ниҳояланган ва бу ерда бошқа бирор кишини дафн этишнинг имкони йўқ эди.

Лекин мақбаранинг катта саҳли ҳовлиси ва унга туташ иморатларда Темурий шахзодалар ва маликалар дафн этилиши давом этган. XX асрнинг биринчи ярмида

Темурий шаҳзода ва маликаларнинг сақланмаган қабрлари ҳақида биласизми?



ҳам ушбу қабртошлар ўз жойида турган. Таниқли олим Амриддин Бердимуродовнинг ёзишича, 1950 йилларга келиб ушбу қабрлар мақбарани таъмирлаш жараёнида йўқ қилиб юборилган.

Қабртошлар кимларга тегишли бўлган? Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси фондида ушбу қабртошларга оид XX аср бошларида олиб борилган тадқиқот ишлари сақланади.

Ушбу ҳужжатларга кўра, мақбара ҳовлисининг шимоли-шарқий бурчагида битта қабртош мавжуд бўлиб, ҳижрий 863 йил жумад-ул соний ойда вафот этган Султон Абу Саиднинг қизи Қутлуг Султон Бекага тегишли бўлган.

Мақбаранинг шарқий минораси томонидаги гумбазли иморат остида бешта қабртош мавжуд бўлиб, уларнинг бирида Амир Темурунинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзонинг фарзанди, теурийлар салтанатининг илк валиаҳди, ҳижрий 836 йилда вафот этган Муҳаммад Жаҳонгирга қўйилган.

Иккинчи қабртош унинг қизи, ҳижрий 847 йилда вафот этган Робия Султонга тегишли бўлган. Гумбазли иморат остидаги бошқа қабртошларда исломий калималардан бошқа ёзувлар сақланмаганлиги тўғрисида аниқланмаган.

Мақбаранинг бош эшигига элтувчи мармар зинапоядан гарбда саккизта қабртош бўлиб, уларнинг 5 таси катта, 3 таси кичик

бўлган. Улардан биринчиси Мирзо Улуғбекнинг қизи, ҳижрий 870 йилда вафот этган Оқо Бекага, ундан шарқда ҳижрий 876 санаси кўрсатилган, Султон Абу Саиднинг ўғлига тегишли қабр бўлган. Бош эшик қаршидаги иккинчи қабр ҳижрий 858 йилда вафот этган Рубия Султонга, унинг ўғлида ҳижрий 865 йилда вафот этган Султон Абу Саиднинг яна бир ўғли Шоҳ Мансур, ундан шарқда ҳижрий 860 йил санаси кўрсатилган Муҳаммад Жаҳонгир қабри бўлган.

Бош кириш эшиги ғарбий чортоғида жойлашган қабртош Султон Абу Саиднинг ўғли, ҳижрий 877 йилда вафот этган шахзода Жаҳонгир Султонга, шарқий чортоғида жойлашган қабртош эса ҳижрий 856 йилда вафот этган "Амир Темур Кўрагон ўғли Мироншоҳ Мирзо ўғли Муҳаммад Темури кизи Зубайда Султон"га, қабрларнинг охирида Султон Абу Саиднинг ҳижрий 877 йилда вафот этган яна бир қизи

Ойша Султонга тегишли бўлган. Қабрларнинг энг аввалгиси ҳижрий 836 йил, мелодий 1433 йилга тўғри келса, энг сўнггиси ҳижрий 877 йил, мелодий 1473 йилга тааллуқлидир. Яъни, юқоридаги теурий шахзода ва маликалар мақбара атрофида асосан Мирзо Улуғбек (1409-1449), Султон Абу Саид Мирзо (1451-1469) ва унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо (1469-1494) даврида дафн этилган.

Афсуски, теурийлар даври тарихига оид муҳим манба бўлиш билан бирга тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунаси бўлган ушбу қабртошлар бизгача етилмаган ва тарихимизнинг суронли йилларида бошқа тарихий ашё ва далилларимиз қаторида йўқ қилинган.

Маҳмудхон ЮНУСОВ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз.



Мавзулар хилма-хиллигида жамоатчи мухбирларнинг ҳам ўрни бор

2020 йил халқимиз учун синовли кечди. Пандемия бўлишига қарамай ижод аҳли ёзишдан тўхтагани йўқ. Қувонарлиси, муштарийларнинг бизга йўлаган мактуби ҳам камаймади. Жамоатчи мухбирларимиз куннинг муҳим воқеалари, мулоҳазалари, таҳлили билан доимий иштирок этди.



Жумладан, Каттақўрғон шаҳридан Абдуазиз Хошимов шаҳардаги воқеа-ходисалар, театр янгиликлари ҳақида ёзган бўлса, пахтачилик Иззатулла Норқувватов янгиликларни биринчилардан бўлиб, бизга, таҳририятга илдинди. Пайриқлик ўқитувчи-ижодкор Турди Турсунов ўтган йилги 80 ёшни қаршилади. Отаҳон ҳам ҳаётини мулоҳазалари, тарбиявий мавзулардаги ҳикоялари билан доимий иштирок этди.

Иштихонлик Бекназар Орзикулов ва Нуриддин Яҳёев ҳаётдан олган булосларни борасида тўртликлар битиб, жамиятдаги ҳаёз нуқсонларни фелъетон қилиб шеърга солди. Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат фаҳрийси Анвар Ғуломов эштибордан четда қолган мавзуларни қаламга олди. Ургутлик ўқитувчи Худойберди Комилов дунёдаги сиёсий вазият ҳақидаги шарҳлари

билан эштиборга тушган муаллиф. У кишининг ҳар бир шарҳини муштарийлар интиқ қутиб, ўқишади. Бу йил ҳам жамоатчи мухбирларимиз сафи ортди. Улар қаторида Муниса Шамсиева, Қаҳрамон Намозов, Илҳон Вафоев, Ҳилола Эргашева, Шаҳноза Холиқовалар номини алоҳида қайд этишни истаимиз. Газета саҳифалари, сиз, азиз жамоатчи мухбирларнинг хабарлари, мулоҳазалари, шарҳлари билан ранг-баранг. Бу йил ҳам ижодий ҳамкорлигимиз давом этишига ишонамиз.

Кимнинг мақоласи яхши?

Таҳририятимиз 2020 йилда муштарийлардан 1360 та хат олди. Мактубларнинг 1338 таси газета саҳифаларида чоп этилди.

2020 йилда Илҳон Вафоев «Йилнинг энг фаол жамоатчи мухбири»



Ҳалим Сайиднинг «Маҳмудхўжа Бехбудий ким бўлган? Биз уни муносиб қадрлаёмизми?» сарлавҳали мақоласи «Йилнинг энг яхши мақоласи» деб топилди.



ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

5 январь Раҳматжон ЛАТИПОВ - 1941 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.

6 январь Пўлатжон НОСИРОВ - (1948-1999) Ургут туманида туғилган. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

8 январь Исроил МИРЗАЕВ - (1938-2007) Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган. Филология фанлари доктори.

9 январь Улуғ ТУРСУНОВ - (1905-1971). Қўқон шаҳрида туғилган. Тилшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

10 январь Ҳотам УМУРОВ - 1942 йилда Жиззах вилоятида туғилган. Филология фанлари доктори. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

Суюн КАРИМОВ - 1950 йилда Нуробод туманидаги Улуз қишлоғида туғилган. «Шухрат» медали соҳиби. Филология фанлари доктори.



Bugungi davr o'qituvchidan nafaqat o'quvchilarga yetuk bilim berish, balki o'rta ta'lim muassasalarida barkamol avlodni shakllantirish, yoshlarni ma'naviy-axloqiy va jismonan sog'lom, jamoat ishlarida faol etib tarbiyalashni talab qilmoqda. Viloyatda o'z kasbining fidoyisi bo'lgan bunday o'qituvchilar talay. Ulardan biri Urgut tumanidagi 35-umumiy o'rta ta'lim maktabi geografiya fani o'qituvchisi Ravshan Xalilovdir.

Buni o'tgan o'quv yilida u saboq bergan 5 nafar o'quvchining maktabni a'lo baholarga tamomlagani va oltin medalga sazovor bo'lganidan ham bilish mumkin. Maktabni muvaffaqiyatli tugatib, mustaqil hayotga yo'llanma olgan bu yoshlar bugun oliy ta'lim muassasalarida tahsil olmoqda, ayrimlari esa yurtimizda olib borilayotgan islohotlarning faol ishtirokchisiga aylangan.

Abdusami SAMADOV olgan surat.



Ҳажми 2 босма табоқ, Ычимчи А-2